

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИ
2024-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАСТУРИ

Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳақида

Тошкент давлат шарқшунослик университети Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон **“Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”** қарори асосида Тошкент давлат шарқшунослик институти негизида ташкил қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Олий мажлис қарорлари, “Олий таълим тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари ва ўз Уставига амал қилади.

Тошкент давлат шарқшунослик университети юридик шахс ҳисобланади. Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан, валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга. Тошкент давлат шарқшунослик университети жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 20-уй.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сон **“Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ва 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сон **“Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”** қарорларига мувофиқ Тошкент давлат шарқшунослик университетига академик ва молиявий мустақиллик берилган.

Ҳозирги кунда университетда 7 та факультет (“Шарқ филологияси ва таржимашунослик”, “Хитойшунослик”, “Шарқ мамлакатлари цивилизацияси ва тарих”, “Шарқ мамлакатлар иқтисодиёти, сиёсати ва туризм”, “Кореяшунослик”, Японшунослик” ва “Туркшунослик”) ва 25 та кафедра фаолият кўрсатмоқда ва 11 та бакалавр таълим йўналишида 4643 нафар, 14 магистратура мутахассислигида 446 нафар талаба таҳсил олмоқда. Талабаларга билим ва кўникмалар бериш учун университетда 466 нафардан (399 нафар асосий штатда, 61 нафар ўриндош) иборат профессор-ўқитувчилар фаолият олиб боришмоқда. Уларнинг 53 нафари фан доктори, профессорлар, 126 нафари фан номзоди, доцентлардир.

2. Университетини истиқболий ривожлантиришнинг асосий концептуал тамойиллари:

–мамлакатимизда шарқшунос кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш, Шарқ халқлари тили, адабиёти, тарихи, маданияти, антропологияси, фалсафаси, сиёсати ва иқтисоди бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтиришга, шунингдек, Шарқ мамлакатлари билан халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган малакали мутахассис кадрлар етиштириш;

–университетнинг барча фаолият йўналишлари сифатини ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида университетнинг барқарор динамик ўсишига эришиш, шарқшунослик бўйича комплекс билимга эга, замонавий меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш билан ажралиб турадиган олий таълим муассасасига айлантириш;

–шарқшунос кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида шарқ тиллари ўқитишга ихтисослашган гимназия очиш ва илғор хорижий тажриба асосида ўқув жараёни самарадорлигини таъминлаш;

–хорижий университетларнинг тажрибалари асосида университет рейтингини ошириш мақсадида замонавий бошқарув менежментини жорий этиш ва университетнинг оптимал янги тузилмасини яратиш;

–университетда халқаро даражадаги маданий-таълим муҳитини яратиш жумладан, хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш; илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш; шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларини хорижий стажировка, малака оширишга юбориш ва тажриба орттиришларини таъминлаш;

–олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли индикаторларини шакллантириш, университет мутахассисликларини ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

–олий таълим даражасини сифат жиҳатидан тубдан такомиллаштириш, университет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ жиҳозлаш;

–фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар, шунингдек, инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда тадқиқотлар натижаларини ўқув жараёнига этиш;

–университет илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, университетдаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

–илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамда етакчи академик ва таълим муассасалари, марказлари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

–замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга тўлиқ эришиш;

–университетда битирувчиларга ютуққа йўл очадиган билим устуворлиги, эркин фикр билдириш, ижодий қобилиятларни қўллаб-қувватлаш муҳитини яратиш.

–университетда лидерлик, корпоратив маданият, рақобат муҳитида ўқиш, ишлаш ва ғолиб чиқиш ҳиссиётларини шакллантириш;

–шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиш орқали қондириш;

–университетда тарбиянинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

–ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини ва ўз Ватани фидойисини халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИ 2022-2026 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)	Муддати	Масъуллар	Кутилаётган натижа
1	2	3	4	5	6	7
I. Ўқув жараёнини такомиллаштириш, илғор хорижий тажриба асосида замонавий ва инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига таълим сифатини ошириш						
а) ТДШУнинг мақоми, таркибий тузилмаси ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш						
1.1	Олий маълумотли шарқшунос кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, ТДШУдаги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиётнинг реал секторларини комплекс тараққий эттириш истиқболларини инobatга олган ҳолда оптималлаштириш	ТДШУ таълим йўналишлари ва мутахассисликларига оид барча ўқув-меъёрий ҳужжатларни замон талабларига мос, иқтисодиётнинг реал секторларини комплекс тараққий эттириш истиқболларини инobatга олган ҳолда инвентаризация қилиш, такомиллаштириш ва қайта ишлаб чиқиш	-	2022-2026 йиллар	Ректор, проректорлар, факультет деканлари, кафедралар мудирлари	Кенг қамровли билимларга эга бўлган, чет тилларини мукамал билган, хорижий мамлакатларда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва тарихий жараёнлар билан шуғуллана оладиган, илмий салоҳияти юқори мутахассислар тайёрланади
1.2	Жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари тажрибаларидан келиб чиқиб, таълимнинг модулли тизимига ўтиш ва кредит системасини	Таълимнинг модул ва кредит тизимлари ҳамда Умумевропа олий таълим жараёнига (Болония процесси) аъзо бўлиш қоидалари ўрганиб чиқилади ва уларни жорий этиш бўйича таклифлар	-	2022 йил	Ректор, Ўқув ва халқаро ишлар бўйича проректорлар	Етук, жаҳон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош мутахассис-кадрлар етиштиришга эришилади

1	2	3	4	5	6	7
	тўлиқ жорий этиш ҳамда Умумевропа олий таълим жараёнига (Болония процесси) аъзо бўлиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	тайёрланади.				
1.3	Давлат дастурлари ва замон талабларидан келиб чиқиб, янги факультет ва кафедралар, бўлинмалар, марказларни ташкил этилиши асосида Университет Устави, факультетлар ва кафедралар низомларини қайта ишлаб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш	Юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга йўналтирилган университет Устави, факультет ва кафедралар низомларини такомиллаштириш, мослаштириб бориш	-	2022-2026 йй.	Ўқув ишлари бўйича проректор, кадрлар бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари	Университет бошқарувини амалга оширадиган меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштиришга эришилади.
1.4	Университет кафедраларини ёш, иқтидорли, илмий салоҳиятли, замонавий билим ва дунёқарашга эга бўлган кадрлар билан мунтазам тўлдириб бориш	ТДШУ кафедраларига ёш, иқтидорли, замонавий билим ва дунёқарашга эга бўлган, хориждаги етакчи ОТМларда стажировкадан ўтган ёшларни ишга жалб этилади	Штат жадвалига мувофиқ ойлик маоши тўланади	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, ЎУБ, деканлар, кафедралар мудирлари	Кафедралар профессор-ўқитувчилари таркиби янгиланади, таълим жараёнига янги, замонавий инновацион усулларни жалб этишга эришилади.
1.5	Университет кафедраларида профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар фаолиятини ўрганиб баҳолаб бориш.	Кафедраларда профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар таркиби сифати, функционал вазифалар бажарилиши ҳолати, янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолатини танқидий ўрганиш натижасида профессор-ўқитувчилар	-	2022-2026 йиллар	Проректорлар раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ.	Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг фаолиятини баҳолаш ўтказилади, ўқув жараёни, таълим технологиялари ва ўқув-услубий ишларни ривожлантиришнинг

1	2	3	4	5	6	7
		фаолияти баҳоланади, ҳар бир кафедра бўйича маълумотлар базаси яратилади				мақсадли дастурлари ишлаб чиқилади.
1.6	“Электрон ҳукумат” тизимига интеграция қилинадиган “Таълим” тизими таркибий элементлари ҳисобланган тизим модуллари илғор хорижий тажрибалардан кенг фойдаланган ҳолда мунтазам амалга ошириш, “Олий таълим жараёнларини бошқариш – Hemis” тизимининг самарали ишлашини ташкил этиш. Hemis тизими асосий кўрсаткичлари: Маъмурий бошқарув; Ўқув жараёни; Илмий фаолият; Молиявий бошқарув жараёнларини мазкур тизимда тўлиқ ишлашини амалга ошириш	ТДШУда тўлиқ автоматлаштирилган бошқарув тизимига ўтилади	80,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2022 йил	Ўқув ишлари бўйича проректор, АТМ, деканлар, кафедралар мудирлари, педагог кадрлар	Таълим жараёнига АКТ тўлиқ жорий этишга эришилади, ТДШУ “Электрон ҳукумат” тизимига интеграцияланади. Ўқув жараёнининг тизимли равишда бошқариш ва назорат қилиш кучайтирилади. Таълимнинг электрон порталидан фойдаланиш имкониятлари ошади.
1.7	Республика умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларида шарқ тилларини биринчи ва иккинчи тил сифатида	Умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида шарқ тилларини биринчи ва иккинчи хорижий тил сифатида ўқитиш юзасидан таклифлар тайёрлаш	-	2022-2026 йиллар	Ректор, Ўқув ишлари бўйича проректор, Ўқув-услубий бўлим	Шарқ тилларини ўқитиш салмоғи ошади, битирувчиларни иш билан таъминлаш имкониятлари яратилади

1	2	3	4	5	6	7
	Ўқитиш қамровини ошириш					
1.8	Шарқшунослик соҳалари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан доимий яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш	Хориждаги етакчи олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилади; ҳар ўқув йилида хориждаги юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича тадбирлар амалга оширилади		2022-2026 йиллар	Ректор, проректорлар, факультет деканлари, ўқув-услубий бўлим, кадрлар бўлими.	Таълим сифати ошади, талабаларга замонга мос равишда янги билимлар берилади.
1.9	Хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасаларининг юқори малакали олимлари, ўқитувчи ва мутахассисларини ТДШУ таълим жараёнида муаммоли ва мунозарали очик маърузалар, мулоқот ва тақдимотлар, мастер-класслар, махсус семинарлар, дебат ва диспут клублар, конференц-мулоқотлар олиб бориш учун фаол жалб этиш	Иккиёқлама шартномалар, турли халқаро грант ва жамғармалар орқали хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасаларининг юқори малакали олимлари, ўқитувчи ва мутахассислари ТДШУ таълим жараёнига жалб этилади	50,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор, факультетлар деканлари	Хориж ОТМлар профессор-ўқитувчиларининг дарс бериш услуби, фан янгиликлари билан яқиндан танишилади, таълим сифати ошади, тажриба алмашинади
в) Профессор-ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва фаоллиги ҳамда илмий салоҳиятини ошириш						
1.10	Профессор-ўқитувчилар таркибини илмий унвон ва даражали мутахассислар ҳисобига кучайтириш	Кафедраларига илмий унвон ва даражали етук мутахассислар, PhD унвонига эга кадрларни ишга жалб этиш	Смета асосида ҳақ тўланади.	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, факультетлар деканлари,	Таълим жараёнига юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилиши орқали таълим сифати кўтарилади.

1	2	3	4	5	6	7
		ишлари тизимли равишда амалга оширилади			кафедралар мудирлари	
1.11	Профессор-ўқитувчилар дарслари, очиқ маърузаларини видеотасвирларга олиш, университет вебсайтига жойлаштириш	Профессор-ўқитувчилар дарслари видеотасвирларга олинади ва университет вебсайтига жойлаштирилади	5,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, факультетлар деканлари, кафедралар мудирлари	Тажрибали ўқитувчилар педагогик маҳорати оммалаштирилади, дарс сифати ошади.
1.12	Университет, факультетлар ҳамда кафедралар кесимида ўқув-услубий семинарлар салмоғини ошириш	Ўқув-илмий семинарлар ташкил этилади; “Устоз-шогирд” тизими асосида ёш педагог кадрларнинг дарс бериш маҳорати оширилади	-	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, факультетлар деканлари, кафедралар мудирлари	Профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ошишига эришилади
1.13	Педагог кадрлар касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш мақсадида хорижий ОТМларда стажировка, PhD дастури асосида ўқиш, малака оширишини кўпайтириш	Ушбу мақсадларда ўқув-илмий семинарлар ташкил этилади. Педагог кадрларда хорижий ОТМларда стажировка, PhD дастури асосида ўқиш, малака ошириш бўйича кўникмалар шакллантирилади	-	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, факультетлар деканлари, кафедралар мудирлари	Профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, илмий салоҳияти ўсишига эришилади, дарс сифати ошади.
1.14	Университет профессор-ўқитувчиларининг амалий инглиз тилидан билимларини В2 даражасига кўтаришга эришиш. Алоҳида махсус фанларни чет тилларида	ТДШУ педагог кадрлари учун ташкил этилган амалий инглиз тили курслари давом эттирилади. Талабалар томонидан инглиз тили(чет тили)да ёзилган курс ишлари, битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик	-	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, ЎУБ, Магистратура бўлими, деканлар, кафедралар мудирлари	Университет педагог кадрларининг амалий инглиз тилидан билимларини В2 даражасига кўтаришга эришилади. Талабаларда ўз фикр ва мулоҳазаларини чет тилида эркин ҳолда ёзма

1	2	3	4	5	6	7
	Ўқитишни тизимли равишда давом эттириш Инглиз тили(чет тили)да курс ишлари, битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертациялари ёзиш ва ҳимоя қилиш салмоғини ошириш.	диссертацияларининг салмоғи оширилади..				ва оғзаки баён этиш кўникмалари шакллантирилади.
1.15	Профессор-ўқитувчилари дарс сифатини ўрганиш бўйича талабалар ўртасида сўровномалар ўтказиб бориш	Талабалар гуруҳларида ҳар семестр якунида Ички назорат ва мониторинг бўлими ҳамда факультет деканлари томонидан сўровномалар ўтказилади	-	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ички назорат ва мониторинг бўлими, факультет деканлари	Профессор-ўқитувчиларининг дарс бериш сифати ортади
г) Ўқув-услубий ишлар сифатини янада ошириш, илғор ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш						
1.16	Университет таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича малакавий амалиётлар базаси доирасини янада кенгайтириш, талабаларнинг амалиёт ўташи даврида мутахассислигига доир кўникмаларини такомиллаштириш, назарий билимларини мустаҳкамлаш ишларини жадаллаштириш	Корпоратив ҳамкорлик доирасида имзоланган шартномалар асосида малакавий амалиётлар базаси доираси кенгайтирилади. Талабаларни 2-курсдан мутахассислиги бўйича жойларда малака амалиётини ўташи ташкил этилади. Университет битирувчиларнинг бўлажак иш жойларига оид маълумотлар базасига хориждаги кадр	-	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, Маркетинг бўлими, факультет деканлари, кафедралар мудирлари	Талабаларнинг малакавий амалиёт базаси кенгайтирилиши асосида уларнинг мутахассислигига доир кўникмаларини такомиллаштириш, назарий билимларини мустаҳкамлаш ишлари жадаллашади, битирувчиларнинг ишга кириш имкониятлари янада ошади.

1	2	3	4	5	6	7
		истеъмолчилари рўйхати киритилади.				
1.17	Университет АРМ фонди ва электрон базаларини такомиллаштириб бориш	Энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизида фанлар бўйича замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар яратилади. Барча дарсликлар таҳлил қилинади ва уларнинг структураси кўриб чиқилади. Ҳар бир фандан дарслик ва ўқув қўлланма яратилади. АРМга жойлаштирилади.	40,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ўқув услубий бўлим, факультет деканлари, кафедралар мудирлари	Фанларнинг ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланишига эришилади.
1.18	Талабаларга бериладиган билим ҳажмини чуқурлаштириш, мустақил ишлашнинг кучайтириш, ўзлаштириш даражасини ошириш	Талабаларнинг мустақил ишлашнинг кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Талабаларга ўз устида индивидуал ишлаш, мустақил таълим олиши учун шарт-шароитлар яратилади. Талабаларда мутахассислик фанларидан илмий адабиётлар шарҳини тайёрлаш, эсселар ёзиш, ижодий лойиҳалар яратиш, ёзма ва оғзаки нутқ кўникмаларини ошириш, ўз фикрини танқидий мушоҳада орқали баён этиш малакасини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилади. Талабаларни ўқитишда электрон портал	-	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ўқув услубий бўлим, факультет деканлари, кафедралар мудирлари	Таълим-тарбия жараёни самарадорлиги оширилади ва талабалар давомати ҳамда ўзлаштириши даражасининг кўтарилишига эришилади. Талабаларни ўқитишда электрон портал имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш орқали талабалар билимини назорат қилишда ошқоралик ва холисоналикка тўлиқ эришилади.

1	2	3	4	5	6	7
		имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш йўлга қўйилади.				
1.19	Таълим жараёнига Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни такомиллаштириш	Университетнинг локал тармоғига янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар, силлабуслар, кейс-стадиларни модул асосида жойлаштирилади. Талабалар томонидан яратилган электрон газета, электрон портфолио, эссе ва адабиётлар шарҳи электрон вариантыни университет веб саҳифасига жойлаштириш тизими жорий этилади	60,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2022-2026 йиллар	Ўқув ишлари бўйича проректор, Илмий ишлар бўйича проректор, Рақамли таълим технологиялари маркази, факультетлар деканлари, кафедралар мудирлари	Таълим жараёнига ўқитишнинг янги инновацион методлари ҳамда АКТни жорий этиш имкониятлари кенгайди.
II. Илмий тадқиқот ишлар соҳасида иқтисодиёт тармоқлари билан инновацион-корпоратив ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда илмий салоҳиятни ошириш						
2.1.	Университетда мавжуд илмий салоҳият ва корхона (ташкilot, идора)ларда тўпланган бой амалий тажрибадан биргаликда самарали фойдаланиш орқали ҳамкор ташкилотларнинг муаммолари билан боғлиқ долзарб илмий-амалий мавзулар бўйича кафедраларнинг инновацион гуруҳлари доирасида илмий	1. Университет кафедраларининг корхоналар билан ҳамкорлик ишларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. 2. Ташкилотлар билан биргаликда олиб бориладиган фаолияти юзасидан инновацион-корпоратив ҳамкорлик доирасида шартномалар имзоланади. (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги,	-	2024-2030 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий ва ИПКТ бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари, ҳамкор ташкilotлар вакиллари	Ўзаро ҳамкорликда инновацион гуруҳлар фаолиятини самарали йўлга қўйилиши натижасида ташкilot ва корхоналар билан фундаментал ва амалий, инновацион характердаги илмий натижаларга эришилади; профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистр ва талабаларнинг стажировка ҳамда малакавий амалиётлари ташкил

1	2	3	4	5	6	7
	тадқиқот ишларининг ҳажмини ошириш.	Фанлар Академияси, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маданият вазирлиги, Савдо саноат палатаси, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Халқ демократик партияси марказий кенгаши, Миллий тикланиш партияси марказий кенгаши, Ёзувчилар уюшмаси, ва бошқа қорхоналар билан) 3.Шартномаларга мувофиқ инновацион гуруҳлар фаолияти ташкил этилади ва ушбу гуруҳларга профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистр ва талабалар жалб этилади.				этилади, диссертация ишлари, магистрлик диссертациялари ва битирув малакавий ишларининг сифати янада ошади.
	Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар тараққиётининг устувор илмий йўналишлари асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган илмий йўналишлари доирасида:	1. Ҳар ўқув йилида истеъмолчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқиб истеъмолчи корхона ва ташкилотларда мавжуд муаммолар ўрганилади.	-	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий ва ИПКТ бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	Ҳамкорлик натижасида битирув малакавий ишлари, магистрлик, фалсафа ва докторлик диссертациялар ҳамда курс ишлари мавзулари янгиланади. Профессор-ўқитувчилар томонидан монография, рисола ҳамда

1	2	3	4	5	6	7
	битирув малакавий ишлар, магистрлик диссертациялари ва курс ишлари мавзуларини доимий янгилаб бориш; фалсафа доктори ва фан доктори диссертациялари мавзуларини шакллантириш (ҳар бир кафедрада таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка талабгорлар сонидан келиб чиқиб) ва доимий янгилаб бориш.	2. Ушбу муаммолардан келиб чиқиб, илмий тадқиқотлар мавзуларини янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. 3. Битирув малакавий ишлар, магистрлик диссертациялари ва курс ишлари мавзулари Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ҳамда самарали ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишлари ва долзарб вазифаларига мос ҳолда доимий янгилаб борилади. 4. Кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан монография ва рисоалар чоп этиш ҳамда профессор-ўқитувчилар камида 2 та мақола ва 3 та маъруза тезислари чоп этилади.				мақола ва тезислар чоп этиш ҳажми янада ортади.
	Хўжалик шартномалари, шу жумладан, “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” республика ярмаркасида шартномалар тузишни фаоллаштириш.	1. Кафедралар ихтисосликларидан келиб чиқиб зарур шарт-шароитлар яратиш орқали инновацион ишланмалар шакллантирилади. 2. Шакллантирилган инновацион ишланмалар бўйича хўжалик шартномалари тузилади ва ишланма муаллифлари рағбатлантирилади.	-	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ишларини тижоратлаштириш бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	Инновацион ишланмалар салмоғининг ошиши натижасида корхоналар фаолияти самарали йўлга қўйилади ва университет моддий-техника базаси кенгаяди. Янги ишланмалар ва хўжалик шартномалари ҳажми ошиб боради.

1	2	3	4	5	6	7
	Профессор-ўқитувчилар, таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш орқали университет илмий салоҳиятини босқичма-босқич 70% гача ошириш.	1. Таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларнинг диссертация ишларини босқичма-босқич ҳимоя қилишлари учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. 2. Чора-тадбирлар режасига мувофиқ диссертация ишларининг ҳимояси ўз вақтида ташкиллаштирилади. 3. Баъзи соҳаларда илмий даражани хорижий ОТМларда олишлари учун шароитлар яратилади.	-	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий ва ИПКТ бўлими, кафедра мудирлари.	Диссертациялар ҳимоя қилиниши натижасида университет профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти ошади ҳамда кафедраларнинг салоҳият кўрсаткичлари кўтарилади.
	Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 304-сонли қарори асосида университетда Илмий кенгаш фаолияти самарадорлигини ошириш, таянч докторантура ва докторантура изланувчиларининг диссертация ишлари ҳимоясини фаоллаштириш.	1. Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш таркиби қайта кўриб чиқилади ва унинг фаолияти самарали йўлга қўйилади. 2. Инновацион-корпоратив ҳамкорлик доирасида тузилган инновацион гуруҳга таянч докторантура ва докторантура изланувчилари тадқиқот объектлари бўйича бириктирилади.	-	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий ва ИПКТ бўлими, кафедра мудирлари.	Илмий кенгаш фаолиятини самарали йўлга қўйиш орқали диссертация ишлари ҳимоясининг натижадорлиги ошади, таянч докторантура ва докторантура изланувчилари тадқиқот объектларидан ўз диссертация ишлари учун зарур бўлган статистик маълумотларни олиш ҳамда ресурслар базаларидан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

1	2	3	4	5	6	7
	Олий ўқув юртидан кейинги таълим доирасида янги ихтисосликлар бўйича докторантура очиш ўрнатилган тартибда фаолият олиб боришини таъминлаш. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик асосида мазкур таълим тизимининг самарадорлигини оширишга эришиш	1. Янги ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим жараёнини ташкил этишга тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тегишли ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқиш; 2. Тегишли ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ишига ҳамкор ташкилотлардан мутахассис олимларни жалб этиш; 3. Университетда мажуд ихтисосликлар бўйича докторантура ишини такомиллаштириш, мониторингни кучайтириш орқали тадқиқотчиларнинг ўз муддатида ҳимоя қилишига эришиш орқали кафедраларнинг илмий салоҳиятини ошириш;	-	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий ва ИПКТ бўлими, кафедра мудирлари.	Ихтисосликлар тадқиқотчилик тизими бўйича шарқ мамлакатлари доирасида ташкил этилади. Янги йўналишлардаги тадқиқотлар яратилади, докторлик диссертациялари тайёрланади. Илмий салоҳият кўтарилади.
	Фалсафа доктори ва фан докторлари тайёрлаш, юқори илмий-услубий ва амалий-татбиқий аҳамиятга эга монография ва илмий мақолалар тайёрлаш ҳамда уларни нуфузли хорижий илмий	1. Профессор-ўқитувчилар томонидан илғор хорижий журналлар учун мақолалар ёзиш ва чоп этиш бўйича қисқа муддатли ўқув семинарлари ташкил этилади. 2. Уларнинг илмий фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилади	-	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий ва ИПКТ бўлими, кафедра мудирлари.	Университет профессор-ўқитувчилари томонидан илғор хорижий илмий журналларда мақолалар чоп этишнинг жадаллашуви натижасида илмий салоҳиятнинг ўсишига хизмат қилади

1	2	3	4	5	6	7
	журналларда чоп этишни фаоллаштириш.					
	Хорижий ҳамкор ОТМ ва ташкилотлар ҳамда дипломатик корпуслар ҳамкорлигида Ўзбекистон ютуқларини халқаро майдонда кенг тушунтириш учун халқаро ва республика миқёсидаги нуфузли илмий-амалий анжуманларни ўтказиш.	1. Дипломатик корпуслар билан ҳамкорликда анжуманлар режаси ишлаб чиқилади. 2. Ушбу режага мувофиқ халқаро ва республика миқёсидаги нуфузли илмий-амалий анжуманлар ташкил этилади.	20,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий ва ИПКТ бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	Юқори савиядаги халқаро илмий анжуманлар ташкил этилади ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.
	Университетда чоп этиладиган, ОАК рўйхатига киритилган “Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental Studies” илмий-назарий ҳамда “Sharq mash’ali” илмий-услубий журнали, “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали фаолиятини такомиллаштириш ва келгусида халқаро миқёсга олиб чиқишга эришиш.	1. Магистрантлар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишларини кучайтириш ва илмий тадқиқотлар натижаларини чоп этиш мақсадида хорижий илмий журналлар томонидан қўйиладиган талаблар асосида мақолалар қабул қилинади. 2. Мақолаларни хорижий илмий журналлар томонидан қўйиладиган талабларга мос равишда чоп этиш йўлга қўйилади.	20,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий ва ИПКТ бўлими, Таҳририят кенгашлари	Илмий журналларда чоп этиладиган мақолаларнинг сифати ошади. Халқаро илмий даражага
	Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги фундаментал, амалий, инновацион, ёшлар лойиҳалари ва халқаро	1. Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги лойиҳаларда кафедра профессор-ўқитувчиларининг фаол иштирокини таъминлаш	-	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Инновацион марказ,	Профессор-ўқитувчиларнинг лойиҳаларда иштирок этишлари натижасида дарслик, ўқув қўлланма ва

1	2	3	4	5	6	7
	грантлар танловида кафедраларнинг фаол иштирокини таъминлаш.	мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. 2. Лойиҳалар сонини ошириш чоралари кўрилади. 3. Тадқиқот натижалари асосида дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар чоп этиш 2 мартага кўпайтирилади.			Илмий ва ИПКТ бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари.	монографиялар чоп этиш салмоғи ортади.
	Университет иқтидорли талабаларини республика фан олимпиадасида ҳамда Давлат стипендиялари танловларида иштирокини кенгайтириш.	1. Ҳар ўқув йилида иқтидорли талабалар танловини ўтказиш орқали юқори билимга эга талабаларни “Олтин фонд”га жалб этилади. 2. Улар Республика талабалар фан олимпиадаси ҳамда Давлат стипендиялари танловларига тайёрланади.	-	2022-2026 йй.	Илмий ишлар бўйича проректор, Илмий тадқиқот ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими, Иқтидорли талабалар маркази	Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқотларини қўллаб қувватлаш орқали ўз илмий салоҳиятларини юзага чиқаришларида ва Республика талабалар фан олимпиадасида ҳамда Давлат стипендиялари танловларида фахрли ўринларни эгаллашларига амалий ёрдам кўрсатилади.
III. Таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш						

VI. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш, замонавий жиҳозлар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш соҳасида

6.1.	Университет профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун соғлом овқатланиш тизимини	1. Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади;	5 000,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари	2022-2023 йй.	Ректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош муҳандис ва	Университет профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун соғлом
------	---	---	---	------------------	---	---

	жорий этиш бўйича 200 ўринли ошхона барпо этиш ҳамда бино блокларида буфетлар ташкил этиш	2. Экспертиза хулосаси олинади; 3. Пудрат ташкилотлари ўртасида тендер савдолари ўтказилади.	маблағлари ҳисобидан)		пудрат ташкилоти.	овқатланиш тизимини яратилади.
6.2.	Ёпиқ турдаги спорт комплексини барпо этиш.	1. Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади; 2. Экспертиза хулосаси олинади; 3. Пудрат ташкилотлари ўртасида тендер савдолари ўтказилади.	25 000,0 (инвестиция дастури маблағлари доирасида)	2024-2025 йй.	Ректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош муҳандис ва пудрат ташкилоти.	Университет профессор-ўқитувчи, талаба-ёшлари ҳамда ишчи-хизматчилари спорт билан шуғулланишига шарт-шароитлар яратилади, натижада соғлом турмуш тарзига амал қилинади.
6.3.	Университетнинг асосий ўқув биноси ҳудудидаги “В” блокни капитал таъмирдан чиқариш	1. Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади; 2. Экспертиза хулосаси олинади; 3. Пудрат ташкилотлари ўртасида тендер савдолари ўтказилади.	40 000,0 ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	2025-2026й.	Ректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош муҳандис ва пудрат ташкилоти.	Университетда таълим жараёни бир сменада олиб боришга эришилади.
6.4.	Ўқув ҳамда ТТЖ биноларида электр қувватини тежаш ҳамда сувни иситишда муқобил қуёш батареяларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.	1. Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади; 2. Экспертиза хулосаси олинади; 3. Пудрат ташкилотлари ўртасида тендер савдолари ўтказилади.	500,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан) ш.ж.: 2022 й.-160,0 2024 й.-160,0 2026 й.-180,0	2022-2026 йй.	Ректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош муҳандис ва пудрат ташкилоти.	Университетда ёқилғи энергетика ресурсларидан тежамкор ва самарали йўл билан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади, шунингдек, бюджет маблағлари тежалди.

6.5.	1. Университетнинг Талабалар турар жойи биносини реконструкция қилиш ҳамда зарурий маиший-техника ва мебель инвентарлар билан жиҳозлаш 2. ТТЖ ҳудудида мини спорт стадиони барпо этиш	1. Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади; 2. Экспертиза ҳулосаси олинади; 3. Пудрат ташкилотлари ўртасида тендер савдолари ўтказилади	28 000,0 (Давлат дастури диорасида)	2024-2025 йй..	Ректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош муҳандис ва пудрат ташкилоти.	Университет талабалар турар жойидаги ўринлар 2 баробар ошириш ҳамда талабалар учун қулай замонави ф шарт-шароитлар яратиш; Талабалар учун спорт-соғломлаштириш шароитлари яратилади.
6.6.	Университетнинг асосий маъмурий-ўқув биносидаги суғориш тизими учун автоматик сув чиқариш қудуғини барпо этиш	1. Давлат экология қўмитасидан тегишли рухсатнома олиш; 2. Шаҳар гидрогеология ташкилотидан тупроқ таркиби ва сув сатҳи тўғрисида тегишли ҳулоса олиш; 3. Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш; 4. Экспертиза ҳулосасини олиш; 5. Пудрат ташкилотлари ўртасида тендер савдолари ўтказиш.	100,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2022 й.	Ректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош муҳандис ва пудрат ташкилоти.	Университет фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчи, талаба-ёшлар ҳамда хизматчи-ҳодимларга қулайликлар яратилади.
6.7.	Университет ҳудудида талабалар учун янада кенг шароитларни яратиш мақсадида талабалар истироҳат боғи ва фаввора барпо этиш.	1. Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади; 2. Экспертиза ҳулосаси олинади; 3. Пудрат ташкилотлари ўртасида тендер савдолари ўтказилади.	2 000 ,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2025-2026 йй..	Ректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош муҳандис ва пудрат ташкилоти.	Янги замонавий кўринишдаги боғ барпо этилади унда мўжазгина фаввора қурилади. Университетда талаба-ёшларнинг дам

						олишлари учун шарт-шароит яратилади.
6.8.	Ахборот-ресурс маркази фондини ўзбек, рус, шу жумладан, шарқ ва ғарб тилларидаги керакли янги ўқув, ўқув-услубий, илмий адабиётлар, даврий нашрлар ва мультимедияли маҳсулотлари билан бойитиш.	Китоб маҳсулотлари ва даврий нашрлар билан таъминловчи ташкилотлар билан шартномалар расмийлаштирилади.	363,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан) ш.ж.: 2024 й.-120,0; 2025 й.-140,0; 2026 й.-103,0;	2024-2026 йй.	Ректор, барча проректорлар, Таҳририй-нашриёт бўлими бошлиғи, Ахборот-ресурс маркази директори, кафедра мудирлари.	Университет Ахборот-ресурс маркази (кутубхона) халқаро ва республикадаги етакчи илмий, таълим, журнал ва газеталари ҳамда электрон таълим-тадқиқот порталларига обуна бўлиши янада кенгайди, шунингдек, чоп этиладиган замонавий ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда статистик ва бошқа тўпламлар билан таъминланади.
6.9.	Ўқув бинолари аудиторияларини хорижий тажрибадан келиб чиқан ҳолда оптималлаштириш, дарс хоналарини илғор хорижий тажриба асосида жиҳозлаш	Республика товар ва хом-ашё биржаси, саноат ярмаркаси ва кооперация биржалари орқали харид қилинади.	2 500,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан) ш.ж.: 2025 й.-1 400,0; 2026 й.-1 100,0	2025-2026 йй.	Ректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош муҳандис ва пудрат ташкилоти.	Университетда фаолият юритаётган ходимларга қулай меҳнат шарт-шароитлари яратилади ва меҳнат самарадорлиги ошади.
6.10.	Университетнинг Тошкент вилояти ҳудудида оромгоҳини барпо этиш	1. Тошкент вилояти ҳокимияти билан биргаликда оромгоҳ ўрнини белгилаш ва ташкилотлар томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади;	24 000,0	2025-2026 йй.	Олий таълим вазирлиги, ТДШУ раҳбарияти	Университет профессор-ўқитувчилари ҳамда ишчи-ходимларининг ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш ва

		2. Узоқ йил (49 йил) муддатга фойдаланиш учун қарор чиқариш. 3. Пудрат ташкилотлари ўртасида тендер савдолари ўтказилади.				соғлиғини тиклашга кўмаклашилади.
6.11.	Амир кўчаси 20-уйда жойлашган маъмурий ўқув биносининг “Д”, Е” блокларида ахборот-ресурс маркази барпо этиш	1. Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади; 2. Экспертиза ҳулосаси олинади; 3. Пудрат ташкилотлари ўртасида тендер савдолари ўтказилади	27 000,0 (ТДШУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	2023-2024 йй.	Ректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош муҳандис ва пудрат ташкилоти.	Университет фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчи, талаба-ёшлар ҳамда хизматчи-ходимларга қулайликлар яратилади.

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва таълим-тарбия ва илмий тадқиқотларга оид бошқа зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ёки университет олдида уни ривожлантиришнинг янги долзарб ва устувор масалалар қўйилиши сабабли ҳамда унинг ташкилий-молиявий ресурсларини инобатга олган ҳолда мазкур Комплекс дастурга Университет кенгаши қарорига кўра ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.